Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

2018-yil 9-yanvar • seshanba • №3 (3976)

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri • Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan • www.ishonch-doverie.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

**Профилактика тадбирлари: кўзланган мақсадга эришиляптими?**

«Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир».

3-бет



**Вакилларимиздан ғалаба кутамиз**

Бугун Хитойда 23 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида Осиё чемпионатига старт берилади. Ушбу мусобақа учинчи марта ўтказилмоқда. Дастлабкиси 2013 йил Уммон давлатида ташкил этилган эди.

4-бет

AFC U23 CHAMPIONSHIP CHINA 2018

**Норинхўрликнинг гашти ўзгача**

Янги йил ва турли байрамлар дастурхонига кўпчилик «норин» тайёрлашни хуш кўради. Чунки бу таомни тайёрлаш жараёнининг ўзи ўзгача-да...

4-бет



## Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Жаноби Олийларига

**Муҳтарам Шавкат Миромонович!**
**Азиз қардошим!**

Туркманистон халқи ва ҳукумати номидан ҳамда шахсан ўз номимдан Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан Сиз ва бутун қардош Ўзбекистон халқини самимий табриклаш ва эзгу тилакларимни йўллаш мен учун улкан шараф.

Дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён ўтган 25 йилда қардошлик алоқаларимиз фаол ривожланди ва изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Давлатлараро муносабатларнинг бугунги юксак даражасини қайд этар эканман, Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги яхши қўшничилик, дўстлик ва ўзаро англашув тамойилларига асосланган ҳамкорлик янада жадал ва изчил, ўзаро ишонч, тенг ҳуқуқлилик, очиқлик руҳида ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Икки томонлама алоқаларни ривожлантирар эканмиз, биз туркман ва ўзбек халқлари ўртасида шаклланган азалий қардошлик ва ўзаро ҳурмат анъаналарига, маънавий ва тарихий қадриятлар муштараклигига, давлатларимизнинг халқаро муносабатларда тинчликсеварлик ва инсонпарварлик тамойилларига содиқлигига таянамиз. Бугунги кунда мамлакатларимиз нафақат икки томонлама, балки халқаро тузилмалар доирасида ҳам муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Глобал ва минтақавий миқёсдаги нуфузли ташкилотлар доирасида мамлакатларимиз томонидан илгари сурилаётган халқаро ташаббус ва таклифлар ўзаро қўллаб-қувватланаётгани шундан далолат беради.

Туркманистон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар изчил ривожланмоқда. Маданият, илм-фан соҳаларидаги ҳамкорлик тобора кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. Савдо-иқтисодий, илмий-техник ва маданий ҳамкорлик бўйича Туркманистон — Ўзбекистон қўшма комиссиясининг фаолияти бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Ҳурматли Шавкат Миромонович!**

Туркманистон мамлакатларимиз ўртасидаги вақт синовидан ўтган сиёсий, иқтисодий, маънавий-маданий алоқаларни бундан буён ҳам мустаҳкамлашга тайёр. Ишонаманки, Туркманистон ва Ўзбекистон муносабатлари келажакда ҳам қардош халқларимиз фаровонлиги йўлида муттасил ривожланиб бораверади.

Азиз қардошим, мактубим якунида Сизнинг Туркманистон — Ўзбекистон ҳамкорлигига шахсан қаратаётган алоҳида эътиборингиз учун миннатдорлик билдиришга, Сизга мустаҳкам соғлиқ, давлат раҳбари сифатида қардош Ўзбекистон Республикаси тараққиёти ва унинг халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизга янги зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Юксак ҳурмат билан,

**Гурбангули БЕРДИМУҲАМЕДОВ,**
**Туркманистон Президенти**



14 январ — Ватан ҳимоячилари куни

## Кўзларида қуёш кўрдим

*Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,*
*Айтсам ҳар товушимдан сачраб чиқар чўғ.*
*Ҳар товуши кўксимда Тангритоғ тиклар,*
*Дунёда бундан-да яхши унвон йўқ...*

Қалбимнинг туб-тубидан тошиб келаётган ҳаяжон билан озод Ватан, озод халқ ҳақидаги шеъримни ўқир эканман, улкан майдонда бир юрак, бир жуфт кўзга айланиб тинглаётган аскар йигитларнинг кўзлари чақнайди. Ҳар бирининг нигоҳида қалбимга, ҳаяжонларимга ҳамоҳанглик кўраман. Шеър Ватан ҳақидаги қўшиқларга уланади. Аскар йигитлар машқларда тобланган забардаст елкаларини учириб, ўртага тушадилар. Уларнинг залворли қадамлари, кенг ёзилган қулочларини кўриб:

— Ҳа, ўз ерини, ўз эркини қўриқлаётган йигитларнинг кайфияти мана шундай бўлади, — дейман беихтиёр.

Тобора куч-қудратга тўлаётган, тобора катта майдонларга кираётган юртимизга ярашган барча байрамлар арафасида биз — зиёлиларнинг аскар йигитлар билан учрашуви расмга кирган. Биз айтилган жойга учиб борамиз. Чунки аскарларнинг машқ майдонларида қорайган чеҳралари, «Ватан, нима хизматинг бор, тайёрмиз!» дегандай садоқат, меҳр билан боқаётган нигоҳларидан, яна уларнинг миллий армиямизнинг салоҳияти, қудрати ҳақидаги ҳикояларидан, ўзларининг кечагидан бутунлай фарқ қилгувчи ҳарбий ҳаётларидаги ўзгаришлардан бир олам куч оламиз. Мана, бу гал ҳам Андижон вилоятининг Хонобод, Асака каби шаҳарларидаги ҳарбий қисмларда учрашувлар ўтказар эканмиз, ҳар бир анжумандан руҳимиз қувватланиб чиқади.

Муҳтарам Президентимизнинг ҳарбийларни камолга етказадиган лицейларга «Темурбеклар мактаби» дея қайта ном бергани, ижтимоий ҳаётда хулқи, фаолияти билан алоҳида эътирофга сазовор бўлган ёш йигитларимиз учун «Мард ўғлонлар» мукофотининг таъсис этилиши эртага жанговар сафга ҳар тарафлама камолга етган, қилганда иши, гапирганда сўзи билан кўрганларни қойил қолдирадиган йигитлар кириб келишига имконият яратганига шубҳа йўқ. Демак, эртага Ватанга хизмат қилиш, Ватан сарҳадларини қўриқлаш том маънода юрак ишига айланади. Ўғлонларимиз ҳарбий хизматга муҳаббат майдонларига ошиққандек ошиқадилар...

Шундай фараҳбахш лаҳзаларда беихтиёр ўтган кунлар ёдга келади. Менинг тоғаларим, амакиларим уйимиздан минг-минг километр узоқларда, бегона ўлкаларда ҳарбий хизматни ўтаганлар. Ёзган хатлари бир ой, бир ярим ойларда етиб келар, бувиларимиз, келинойиларимизнинг юзлари хат кутиб сарғаяр эди. Мана, энди уларнинг невaралари чақирсанг, овозинг етгудай жойда ҳарбий хизмат ўтаяптилар. Соғинганда дийдорлашадилар. Энг муҳими, кўнгил тинчлиги. Чунки мамлакатимиз раҳбарининг тинчликсевар сиёсати боис қўни-қўшни, қариндошлар, барча узоқ-яқин мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ўрнатилгани, ўрнатилаётгани осойишта юртимизга яна ҳам осудалик бахш этмоқда. Бу кайфият ота-оналарнинг ўз ўғлонларини ҳарбий хизматга байрамона руҳда кузатиб қолаётганидан ҳам сезилади. Аскарлик ҳаётига қадам қўйиш муносабати билан қасамёд қабул қилиш тантанаси ҳам худди шу руҳда ўтади.

2 ▸

Юзма-юз мулоқот

## Ёшлар қалбига қулоқ тутилди

**Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан Урганч давлат университетида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш тўғрисида давра суҳбат ташкил қилинди.**

Суҳбатда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раисининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Бахтиёр Исмоилов, Урганч давлат университети касаба уюшма қўмитаси раиси О. Атажанов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати изчил ва самарали амалга оширилаётганлигини таъкидладилар. Ушбу сиёсат ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, юрт истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган ташаббускор ва шижоатли авлодни вояга етказиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилгандир.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ҳам давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда ёшлар масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида кўплаб тадбирлар уюштирилмоқда. Айтайлик, жамоат ишларида ва ўқиш жараёнида фаол қатнашгани учун Урганч давлат университети физика-математика факултети 4-босқич талабаси Омонгул Эгамберганова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги ўзи танлаган санаторийда соғлигини тиклаш учун бепул йўлланма билан тақдирланди. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали «Компютер инжиниринг» факултети талабаси Мелихол Умрзоқова энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдоридаги стипендиясига муносиб кўрилди.

Суҳбат жараёнида талабалар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
«Ishonch» мухбири

Қарор ва ижро

## Бор бўл, оқибат!

### Эртанги кунга ишонч меҳр-мурувватдан куч олади

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, кам таъминланган оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Миробод туманида ташкил этилди.**

Тадбирда туманда истиқомат қилаётган 111 нафар эҳтиёжманд, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оила вакиллари Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан кундалик турмушда зарур бўлган маиший техника жиҳозлари, жумладан, кир ювиш машиналари, газ плиталари, чангютгич ва кичик печлар билан таъминланди.

Тадбир доирасида касаба уюшма фаоллари тумандаги «Сарикўл» маҳалласида истиқомат қилувчи эҳтиёжманд оилалардан бири — Юсуф Абидов хонадонида бўлиб, ушбу оиланинг ижтимоий-маиший аҳволини яхшилаш ва кундалик уй юмушларида енгиллик яратиш мақсадида замонавий газ плитаси ҳадя этдилар.

Таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бугунги кунда 110 нафар эҳтиёжманд фуқаронинг уй-жойлари таъмирлаб берилмоқда. 1221 нафар кам таъминланган оилага эса маиший техника жиҳозлари топширилди. 70 нафарга яқин бемор инсонга соғлигини тиклаши учун амалий ёрдам кўрсатиш билан бирга, жарроҳлик операциялари учун зарур маблағлар тегишли муассасаларга ўтказиб берилаяпти. Шунингдек, 22 нафар фуқарони тураржой билан таъминлаш ишлари олиб борилмоқда.

2 ▸



# Бор бўл, оқибат!

## Эртанги кунга ишонч меҳр-мурувватдан куч олади

◂1

Бу каби хайрли ва эзгу ишлар, аввало, оилаларда, жамиятда ўзаро ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва хайр-саховат муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳоли турмуши сифатини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, эҳтиёжманд инсонларнинг эртанги кунга ишончи мустаҳкамланаяпти.

— Муҳтарам Президентимиз томонидан биз каби оддий одамларга жуда катта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаяпти. Бунинг натижасида хонадонларимизга файзу барака кирди, кўнгилларимиз нурга тўлди, — дейди 2-гуруҳ ногирони Юсуф Абилов. — Касаба уюшма вакиллари хонадонимизга келиб, ижтимоий-иктисодий аҳволимизни ўрганди ва мана бугун бизнинг оилага замонавий газ плитаси ҳадя этишди. Анчадан бери ана шундай маиший техника жиҳозига эҳтиёжимиз бор эди, бундай ажойиб совға учун ўз миннатдорлигимни билдираман.

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Матбуот хизмати**

* * *

Шундай тадбирлардан яна бири пойтахтимизнинг Яккасарой туманида ҳам ташкил этилди. Туманда истиқомат қилувчи 111 та оилага маиший техника жиҳозлари олиб берилди ҳамда 6 та оиланинг тиббий ёрдамга муҳтож аъзолари саломатлиги тикланди.

— Эҳтиёжманд оилаларни кундалик турмушда зарур маиший-техника жиҳозлари билан таъминлаш ҳамда саломатлигини мустаҳкамлашда қўллаб-қувватлаш барча-барчада чуқур таассурот қолдирмоқда, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Яккасарой туман кенгаши раиси Гулчеҳра Шералиева. — Бундан кейинги босқичларда кам таъминланган оилаларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш, турар жойларини таъмирлаш, оилаларнинг иқтисодий аҳволини яхшилаш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар олиб бериш ишларини амалга оширишни режалаштирганмиз.

Тадбирда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Анвар Раҳимов, Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Равшан Маҳамадалиев, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳар бўйича масъул ташкилотчиси Наргиза Усмонова ва бошқалар иштирок этди.

**Ўз мухбиримиз**

* * *

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Тошкент шаҳри бўйича масъул ташкилотчиси томонидан Учтепа туманида ташкил этилган тадбирда эҳтиёжманд оилалардан 111 тасига маиший техника жиҳозлари совға қилинди.

— Кўп йиллар давомида йўлсозлик соҳасида ишладим. Оёғимдан олган жароҳат сабаб 15 йилдан буён II гуруҳ ногирониман. Ҳозир қўлтиқтаёқсиз юролмайман, — дейди «Пахтакор» маҳалласида яшовчи Аҳмаджон Ғуломов. — Маҳалла раиси уйимизга бориб, сизга Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг туҳфасини топширишади, дея ушбу тадбирга вакилларини бошлаб келди. Мени ажойиб совға — чангютгич билан сийлашди. Тўғрисини айтсам, эътибордан кўнглим тоғдек ўсди. Бу хайрли ишларнинг бошида турган инсонларга чексиз миннатдорлигимни билдираман.

— Тўрт нафар фарзандим бор. Кичкинаси икки ёшли бўлгани учун унинг тарбияси билан бандман. Турмуш ўртоғим 4 йилдан бери руҳий касал, — дейди «Тақачи» маҳалласида истиқомат қилувчи Муборак Қодирова. — Тадбирда менга электр печ совға қилишди. Оилавий аҳволимни ўрганиб, менга кўмак кўрсатган ташкилотчилар муродига етсин.

Дарҳақиқат, мазкур тадбирлар жамиятимизда меҳр-оқибат, одамийлик, эзгулик каби фазилатларни янада кучайтиришга асос бўлади.

**Жамшид ЭРГАШЕВ,**
«Ishonch» мухбири

* * *

Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан вилоят бўйича 154 та оилага манзилли ёрдам кўрсатиш, хусусан, 22 та оилани уй-жой билан таъминлаш, 1221 та оилага маиший техника жиҳозлари олиб бериш, 66 та оиланинг тиббий ёрдамга муҳтож аъзолари саломатлигини тиклаш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ишлари амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳар бир тумандан 10 нафардан кўмакка муҳтож юртдошларимизнинг уйлари касаба уюшмалари маблағи ҳисобидан таъмирланмоқда. Ушбу тадбирлар доирасида эҳтиёжмандларга саломатлигини мустаҳкамлаши учун махсус сертификатлар, дори-дармон воситалари, турмуш даражасини ошириш мақсадида маиший техника жиҳозлари топширилаяпти.

Куни кеча 111 нафар янгиерлик эҳтиёжманд оилалар ҳолидан хабар олинди. Янгиер шаҳри «Маърифат» маҳалласида истиқомат қилувчи Лайло Тошбоева касаба уюшмаларининг совғаси — «Шиваки» русумли газ плитаси соҳибасига айланганидан хурсанд.

Шаҳардаги «Бинокор» маҳалласи Муҳандис кўчаси 36-уйда истиқомат қилувчи Омонжон Абдуқундузова турмуш ўртоғи вафотидан кейин икки нафар вояга етмаган фарзанди билан қолган, хонадон таъмирталаб ҳолатда эди. Касаба уюшмалари томонидан ажратилган маблағ эвазига «Янгиерқурилиштаъмир сервис» МЧЖ ишчилари таъмир ишларини кўнгилдагидек бажариб беришди.

— Турмуш ўртоғим вафот этганида, болаларим ҳали кичкина эди. Уларни кийдириб-едиришдан орттириб уйга қарай олмадим. Ҳар гал таъмирталаб деворларга кўзим тушганда, ич-ичимдан ўксинардим, — дейди қувончдан кўзлари ёшга тўлиб Омонжон Абдуқундузова. — Яратганга шукр, яхшилар бор экан. Аввало, давлатимиз раҳбари, қолаверса, касаба уюшмаларига мингдан-минг раҳмат. Насиб этса, фарзандларимни ватанга муносиб фарзандлар қилиб тарбиялайман.

«Обод юрт» маҳалласи Чаманзор кўчаси 37-уйда истиқомат қилувчи, меҳнат фахрийси Пётр Мошин қизи Зинаида ва оиласи билан 4-хонали уйда туради. Оила эҳтиёжманд оилалар рўйхатида бўлиб, уйни кўп йиллардан буён таъмир қилишга чоғи келмаган эди.

— Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсганман, бу диёрдан ўзгасини ватаним, дея олмайман, — дейди Зинаида. — Ахир, ўзбек халқидек бағрикенг, одамохун халқни яна қайдан топиш мумкин? Мана, Янги йил муносабати билан касаба уюшмаларининг биз учун қимматли совғасини олдик — уйимизни таъмирлаб беришяпти. Барчага миннатдорчилигимни билдираман.

* * *

Шунингдек, Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа санъат мактабида «Касаба уюшмалари — хотин-қизларга» акцияси доирасида ўтказилган тадбирда шаҳарнинг 111 нафар хотин-қизларига электр маиший-техника жиҳозлари тақдим этилди.

— 37 йил кутубхонада ишладим. Айни пайтда ёлғиз қизим ва унинг 4 нафар фарзанди билан яшайман. Касаба уюшмалари бугун кир ювиш машинаси совға қилишди, — дейди Татьяна Абрасимова.

Гулистон шаҳридаги «Истиклол» МФЙ да истиқомат қилувчи Озода Тиллаева болаликдан 1-гуруҳ ногирони. Унга онаси Комила Тиллаева қарайди. Озодага Янги йил совғаси сифатида газ плитаси топширилди.

— Ногиронлиги бўлган инсонларга кўрсатилаётган мурувватдан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди у. — Касаба уюшмалари ва бошқа ҳомий ташкилотлар байрамда келиб, ҳолимиздан хабар олиши одат тусига кирганлигидан хурсандмиз. Меҳридарё инсонлар ҳамиша бор бўлсин.

**Зебо ҲАЙДАРОВА**

***

Қарши шаҳрида 111 нафар эҳтиёжманд оила вакилига турли хилдаги электр маиший техника жиҳозлари топширилди.

Бироз аввал эса касаба уюшма фаоллари ҳамкор ташкилотлар вакиллари билан биргаликда оғир маиший шароитда яшаётган, боқувчисини йўқотган, ногиронларни парвариш қилаётган эҳтиёжманд оилаларнинг аҳволи билан танишиб чиқишганди.

Аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш тадбирларини ташкил этишдек савобли вазифани бажаришда касаба уюшмаларига ҳам ишонч билдирилиши зиммамиздаги масъулиятни янада оширади. Маиший жиҳозларни топширар эканмиз, ким билан суҳбатлашмайлик, қалбидан миннатдорлик сўзлари тошиб чиқди.

**Шерзод ЙЎЛДОШЕВ,**
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси







* * *

Касби туман ҳокимлигида ҳам шундай тадбир ташкил этилди. Унда сўзга чиққан Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Эсон Ражабов ҳамда «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раиси Январ Иноятов юртимизда аҳоли турмуш фаровонлигини таъминлаш йўлида олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтди.

Тадбир давомида 111 нафар кам таъминланган оила вакилига маиший техника жиҳозлари топширилди. Бундан ташқари, 10 нафар фуқаронинг уйи таъмирлаб берилган бўлса, 5 нафар беморга дори-дармон воситалари топширилди. Шунингдек, турар жойга эга бўлмаган икки нафар фуқарога уй-жой қуриб бериш режалаштирилган.

**Ирода Аширова,**
**Равот қишлоғи:**

— Турмуш ўртоғим биринчи гуруҳ ногирони. Оилавий шароитимизни ҳисобга олиб, рўзғоримиз оғирини енгил қилиш учун шундай қимматбаҳо совға билан тақдирлагани учун муҳтарам Президентимиздан чексиз миннатдормиз. Бу ишончни меҳнатларимиз, фарзандларга бераётган тарбиямиз билан оқлашга ҳаракат қиламиз.

**Тўхта бобо Амонов,**
**Қоракўнғирот қишлоғидан:**

— Кўп йиллар темирчилик қилдим. Энди кексайиб кучдан қолганман. Уйларимиз таъмирталаб аҳволга келганди. Қишнинг совуқ кунлари арафасида усталар келиб, янги эшик-ромлар ўрнатишди, уйимизни таъмирлаб беришди.

Хонадонимиз учун анчайин оғир паллада қўллаб-қувватлагани учун Президентимиздан жуда миннатдорман. Чексиз дуодаман...

Бу каби самимий изҳорларни жуда кўп кишилардан эшитдик. Энг муҳими, улар ҳеч муболағасиз, юракдан чиқаётган дил сўзлари эди.

* * *

Китоб туманида ҳам 111 нафар эҳтиёжманд фуқарога замонавий газ плитаси, кир ювиш машиналари, чангютгич, электр печ ва бошқа маиший техника жиҳозлари топширилди. Икки нафар беморнинг пойтахтдаги Кардиология илмий маркази ҳамда Урология марказида стационар даволаниши учун маблағ ажратилди, тўрт нафар беморга дори-дармон воситалари олиб берилди.

— Ўғлим Убайдулла Абдуллаев бир йил олдин автоҳалокатга учраб, тўшакка михланди, — деди онахон Ширин Абдуллаева. — Президентимиз биз каби дардмандларни ҳам эсдан чиқармаганидан бошимиз осмонга етди. Тўрт миллион сўмлик дори-дармон воситалари олдик. Болажонимга шу дориларнинг фойдаси тегиб, Худонинг ўзи шифо берсин.

— «Йўлдош шаҳарча» маҳалласида яшаймиз, — деди ўзини Мирзо Рафиев деб таништирган фуқаро.— Укам Ҳамза Рафиев учун дори-дармон воситалари олдим. У йиқилиб, белидан пасти ишламай қолганди. Бундай эътибор ва ғамхўрлик бошқа ҳеч бир давлатда бўлмаса керак.

Шунингдек, туман ҳокими қарори билан икки нафар фуқарога уй-жой қуриб бериш учун ер майдони ажратилди.

**Акмал АБДИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

* * *

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги кам таъминланган оилаларга кўмак кўрсатилди. Мазкур жараёнда касаба уюшмалари томонидан 111 нафар кишига маиший техника воситалари (газ плитаси, кир ювиш машинаси, чангютгич) топширилди. Шунингдек, тумандаги 6 нафар беморга даволаниши учун маблағ ўтказиб берилди.

Турар жойи таъмирга муҳтож 10 та, уй-жойга муҳтож бўлган 2 та оилага ҳам кўмак кўрсатилгани кўнгилларга бир олам қувонч улашди.

**Камола ИСМОИЛОВА**



# Кўзларида қуёш кўрдим

◂1

Бугунимиздан нечоғлик қувонмайлик, барибир кечани ҳам тез-тез эслаб туришимиз керакдай туюлади. Қишлоғимизда Жамила опа исмли аёл бўларди. Унинг бир давра қизлари орасида якка-ю ягона ўғли бўлиб, унинг исми Холмат эди. Холмат Тошкентдаги политехника институтининг ҳозирги Тошкент давлат техника университети кечки бўлимида ўқиб юрганида ҳарбий хизматга олиб кетилади. Холмат ота-онасига дастлабки кунларда: «Мен Германияда хизмат қиляпман», деб хат ёзади. Ота-онаси ҳам «Ўғлим Германияда хизмат қиляпти», деб юришади. Аммо кунларнинг бирида Афғонистондан темир тобут келади. Ўшанда қишлоғимизда қиёмат қўпганини эслайман. Жамила опага темир тобутни олиб келган ҳарбийлар очишга рухсат беришмайди. Шунданми, яъни ўғлининг совуқ дийдорини кўрмаганиданми, кейинчалик Жамила опа фолбинлар, башоратчилар — ҳар кимларга эшикма-эшик, сарсон-саргардон юради. «Ўғлинг тирик», деганларга зебу зийнатларини тарқатиб, қўллари, бармоқлари бўшайди. Бир мунча фурсат ўтгач, шу аёл ўғлининг доғида куя-куя паришонхотир бўлиб қолди. Худога минг шукрким, бундай фожиалар ўтмишда қолди. Аскар йигитларимиз орасида ўтаётган маънавий-маърифий дарслар, тарихдан сабоқлар — ҳамма-ҳаммаси ўғлонларимизнинг фуқаро сифатида уйғонишларига, бугуннинг қадрини теранроқ ҳис қилишларига ёрдам бермоқда.

...Мактабларда ўтказиладиган иншолар танловида тез-тез ҳайъат аъзоси сифатида иштирок этамиз. «Келажакда қандай касб эгаси бўлишни истайсиз?», «Менинг орзуим» деган мавзулардаги иншо муаллифларининг ярмидан кўпи: «Мен ҳарбий кийимдаги аскарларни кўрсам ,ҳавасим келади. Улар Ватан ҳақида қўшиқлар айтиб, бир саф бўлиб ўтса, сафларига қўшилгим келади» тарзидаги сўзларни ёзишади. Бундай дил сўзларни фақат ўғлонларимиз эмас, қизларимиз ҳам битишади.

Оналаримиз, оталаримиз давраларда «Ўғлим ҳарбий» ёки «Ўғлим ҳарбий хизматда» дея ҳамммани оғизларини қаратишади.

Ана шу истак ва ифтихорларда яқинда нишонланадиган байрамнинг асл моҳияти намоён бўлади. Юраклардан, кўнгиллардан, орзу-истаклардан бошланадиган ушбу байрам халқникидир, ҳамманикидир. Барчани шарафли байрам билан табриклаб, қутлов сўзларини айтар эканман, гапимиз аввалидаги шеърнинг ниҳояси ёдга келади:

*Озод Ўзбекистон, озод ўзбеклар,*
*Ҳар ҳарфи бир шунқор – ушлаб турар туғ.*
*Шунқорим, туғингни баландроқ тикла,*
*Дунёда бундан-да гўзал унвон йўқ.*

**Қутлибека РАҲИМБОЕВА,**
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

# Профилактика тадбирлари:

## кўзланган мақсадга эришиляптими?

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги қарори билан ҳафтанинг пайшанба куни **«Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни»** этиб белгиланди. Қарорга мувофиқ ички ишлар органлари таянч пунктлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамда бошқа давлат идоралари ва ташкилотларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича фуқароларнинг сайёр қабуллари, суд муҳокамалари бўйича сайёр суд, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида тарғибот-ташвиқот ишлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича рейдлар, фоҳишалик, ичкиликка ружу қўйиш, гиёҳвандликни одат қилганлар билан профилактик тадбирлар... ўтказилиши белгилаб қўйилган.

Қарор ижроси доирасида амалга оширилган кенг кўламли ишлар натижасида 2017 йилнинг 10 ойи мобайнида республика микёсида умумий жиноятлар сони аввалги йилнинг шу даврига нисбатан 14 фоизга, жумладан, талончилик 16 фоизга, босқинчилик 19 фоизга, қотиллик 21 фоизга, товламачилик 22 фоизга, безорилик 34 фоизга камайишига эришилган. Аёллар ўртасида жиноят содир этиш ҳолатлари 16 фоизга, ёшлар ўртасида 14 фоизга, вояга етмаганлар ўртасида 17 фоизга қисқарган. Аҳоли ва жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик ва мулоқот ўрнатилиши оқибатида 1 минг 243 маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилмаган.

Ҳисоботдаги рақамлар, албатта, кўнгилга илиқлик бахш этади. Унинг ортида минглаб ички ишлар ходимларининг заҳматли меҳнати, ҳаловатсиз тунлари ётибди. Бироқ...

### ҚЎЛ СИНСА, ЕНГ ИЧИДА

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ўтган йилнинг 9 феврал куни ички ишлар органлари фаолияти, тизимда мавжуд муаммо ва камчиликлар, истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселекторда: **«Ички ишлар органлари шундай ишлаши керакки, токи халқ давлатдан рози бўлсин. Лекин айрим жойларда уларнинг фаолияти одамлар эътирозига сабаб бўлмоқда»,** деган эди. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси мавзусини ўрганиш чоғида бу гапларнинг айни ҳақиқатлигига тўла ишонч ҳосил қилдик. Тошкент шаҳри мисолида бир ой давомида олиб борган кузатувларимиз билан танишиб, ўзингиз хулоса чиқарарсиз.

Тошкент шаҳар ИИББ режаси бўйича 16 ноябр куни ўтказилиши мўлжалланган профилактика тадбирлари рўйхатини олгач, айрим манзилларнинг телефон рақамини топиб, мавзу юзасидан қўнғироқлашдик.

— Алло, ассалому алайкум. Учтепа тумани «Ширин» маҳалласими?

— Ҳа, эшитаман.

— Бугун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни муносабати билан маҳаллада қандай тадбир ўтказилаяпти?

— Бугуннинг ҳисобидан ҳозирча ўтказилгани йўқ.

— Айни пайтда маҳалла билан бирга дизайн коллежида жиноятчилик бўйича муҳокама ўтказилиши керак эди-ку.

— Билмадим, бизга ҳозирча бу ҳақда ҳеч ким хабар бергани йўқ.

— Маҳалла раиси ва нозири қаерда?

— Ҳудудни айлангани яқиндагина чиқиб кетишганди.

Телефон гўшагини қўярканмиз, «Бу тадбирга масъул ички ишлар ходимлари айни пайтда нима қилишаётган экан?», «Маҳалла одам тўплаб бермаса, кимга тушунтириш ишлари олиб борилади?» каби қарама-қарши фикрлар хаёлдан ўтади. Сўнгра кейинги манзил рақамига сим қоқдик.

— Шайхонтоҳур тумани «Новза» маҳалласими?

— Ассалому алайкум, эшитаман.

— Бугун пайшанба — ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни, шу муносабат билан маҳаллада қандай тадбир ўтказилди?

— Хабарим йўқ, мен бу ерда ишламайман.

— Унда кимсиз, маҳалла идорасида нима қилиб ўтирибсиз?

— Шу маҳаллада яшайман. Иш билан келгандим, бироз шу ерда ўтириб туришимни илтимос қилишди...

Айни пайтда ўтказилиши керак бўлган тарғибот-ташвиқот тадбири ҳақида билишга уриндик. Унинг айтишича: «Маҳалла ходимлари шу атрофда юрибди, лекин ҳозирча ҳеч қандай йиғин ҳақида гап йўқ».

Шу тарздаги суҳбатларимиз жараёнида Мирobод тумани «Билимдон» маҳалласида профилактика тадбири ўрнига аҳолига ёғ тарқатилаётгани, «Софдил» МФЙ ходимлари эса ҳудуд нозирининг кимлигини ҳатто билмаслиги, профилактика тадбирларидан умуман бехабарлиги, Яшнобод тумани «Бойқўрғон» МФЙ ходимлари профилактика куни ҳақида маълумотга эга эмаслиги маълум бўлди. Яна ушбу тумандаги Мухтор Ашрафий номли ва Юнусобод туманидаги «Боғишамол» маҳаллаларида ҳам шунга ўхшаш ҳолат кузатилди.

Телефон орқали хабарлашувлар асносида гувоҳи бўлдикки, Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни тадбирлари кўплаб маҳаллаларда рисоладагидек ўтказилаётир. Мисол учун, Миробод туманидаги «Парвона», Юнусобод туманидаги «Ҳусниобод», Мирзо Улуғбек туманидаги «Нур» маҳаллаларида олиб борилаётган ишлар намуна бўларли даражада.

Тошкент шаҳар ИИББнинг 16 ноябрдаги ишлар ҳисоботига кўз ташласак, шу кунги профилактика тадбирларига жами 2 654 нафар ходим жалб этилган бўлиб, 8 та йўналиш бўйича профилактик-огоҳлантирув тадбирлар амалга оширилган. 21 та маҳаллада 20 та жиноят муҳокамаси, 18 та маҳаллада маъмурий ҳуқуқбузарликлар юзасидан сайёр суд, 21 та маҳаллада кўп қаватли уйлар ва якка тартибдаги хонадонларни техник қўриқлов пултига улаш ҳамда ижтимоий соҳа объектларига видеокузатув мосламаларини ўрнатиш каби масалалар кўриб чиқилган.

### МИНГ ЭШИТГАНДАН БИР КЎРГАН АФЗАЛ

23 ноябр, пайшанба. Соат 9:00. Чилонзор туманидаги «Шарқ» маҳалласидамиз. Қўлимиздаги режа бўйича айни шу вактда ИИБ ходимлари томонидан маҳалла ҳудудида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича рейд ўтказилиши белгиланган. Аммо бирор соат чамаси шу атрофда куймалансак-да, тадбир ташкилотчиларига кўзимиз тушмади. Сўнгра МФЙ идораси эшигини тақиллатдик. Маҳалла раиси билан суҳбатдан маълум бўлдики, ҳудудда рейд ўтказилиши ҳақида уларга ҳатто хабар ҳам берилмаган.

Бу вазиятдан бироз ҳайрон бўлганча қўшни маҳалла томон йўл оламиз. «Шароф» МФЙ маслаҳатчиси бизга маҳаллада қилинаётган ишлар ҳақида гапириб берар экан, хавфсизлик ва ободонлаштириш ишлари кўнгилдагидек олиб борилаётганини қистириб ўтди. Бироқ бугунги профилактика куни ҳақида ҳеч нима деёлмади. Маҳалла раиси ва нозири йўқлиги боис маслаҳатчи улардан ўтиб бирор нима дейишга иккиланди, назаримизда. Ҳудудда рейд ўтказиши керак бўлган ички ишлар ходимларидан эса ҳозирча дарак бўлмаган.

Кейинги манзил — Учтепа туманидаги «Фарҳод» маҳалласи. Идорада ҳеч ким кўринмади. Бу ерда кутиб ўтириб вақтни бой бермасдан, «Боғичинор» маҳалласида ўтадиган сайёр суд мажлисига ошиқдик. Соат 14:00 га яқин «Фарҳод» маҳалласига қўнғироқ қилиб, маҳалла маслаҳатчисидан 229-умумтаълим мактабида, чиндан ҳам профилактика тадбири ташкил этилиши кераклиги; аммо ҳеч қандай «муҳокама-пуҳокама» ўтказилмаганини билиб олдик.

Ҳайронсан киши, қўлимиздаги рўйхатда маҳалла раиси, профилактика инспектори ва Тошкент шаҳар ИИББ режасида қайд этилган ходимлар ҳамкорлигида жиноятлар муҳокамаси ўтказилиши кўрсатилган. Унда бунақа тадбирлар ҳақидаги ҳисоботлар ким учун — шуниси қизиқ.

**«Ҳуқуқбузарликлар ўз-ўзидан содир этилмайди. Асосий масала ҳуқуқбузарликларнинг оқибатлари билан курашиш эмас, балки барвақт олдини олиш, содир этишга имкон берган сабаб ва шарт-шароитларни ўз вақтида бартараф этишдан иборатдир»,** деган эди Президентимиз 15 ноябрда ўтказилган видеоселекторда.

### ЖАЗОЛАШ ЭМАС, ДАВОЛАШ КЕРАК

Учтепа туманидаги «Боғичинор» маҳалла фуқаролар йиғини биносини топгунимизча нақ она сутимиз оғзимдан келди. Негаки, МФЙ идораси Боғичинор кўчасида эмас, Лолазор кўчасида жойлашган экан. Сал аввал зикр этилган сайёр суд мажлиси худди шу манзилда ўтказилиши белгиланган эди. Хайрият, бир соатлар чамаси кечикиб бўлса-да ҳакамлар етиб келишди. Жами 11 та иш кўриб чиқилди: йўл ҳаракати қоидаларини бузиш (5), ҳуқуқбузарлик (2), ноқонуний тадбиркорлик (1), жамоат жойида ичкиликбозлик (1), Тошкент шаҳрида прописқасиз яшаш (1). Битта иш эса суд томонидан рад этилди.

Суднинг ўтгани эмас, унга ИИБ ходимлари томонидан қандай мазмундаги ишлар тақдим этилгани муҳим. Масалан, жамоат жойида алкогол ичимлиги ичганлиги учун уч нафар аёлдан жарима ундирилиши сўралган. Аммо муҳокама жараёнида айбланувчилар тақиқлов қўйилмаган жойда ичимлик истеъмол қилишганини айтишди. Буни ИИБ ходими ҳам тасдиқлади. Айбланувчиларга нисбатан огоҳлантириш ҳукми чиқарилди. Таажжубланасан, бу иш нима учун судга тақдим этилди-ю, қандай натижага эришилди?..

Кейинги ҳукмда Тошкент шаҳрида вақтинча прописқасиз яшаган олти йигит жавобгарликка тортилиб, ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдорида жарима белгиланди. Энди бу ёғини эшитинг, айбланувчиларнинг бири билан телефон орқали боғланганимизда ушбу ҳолат аслида биринчи марта юз бергани, лекин иккинчи марта деб расмийлаштирилгани, улар эса ИИБ ходимининг босими билан судда чурқ эта олишмаганини айтди.

Суд рад этган ишнинг мазмуни қисқача шундай: 1,5 яшар фарзанди эҳтиётсизлик сабабли оёғини кесиб олгани учун онадан жарима ундириш керак... экан. ИИБ ходимининг қайта-қайта «кўриб чиқмаса бўлмайди»сидан кейин судья Алишер Сатторов шундай деди: «Боласини кўтариб шифохонама-шифохона югуриб юрган онага қайси меъёрларга таяниб, қайси виждон билан жазо тайинлаймиз? Мен бунақа ишни кўриб чиқмайман...».

### ТАНГАНИНГ ЎНГ ТОМОНИ

Кузатувимизнинг учинчи ҳафтаси, 30 ноябр — пайшанба куни кўпроқ ижобий ҳолатларга дуч келдикки, бундан ўзимиз ҳам ғурурландик. «Ракат», «Бошлиқ», «Дамариқ» (Яккасарой тумани), «Бешёғоч», «Кичик Хирмонтепа» (Чилонзор тумани), «Баҳор» (Мирзо Улуғбек тумани) сингари маҳаллаларда хавфсизлик профилактикаси кунидаги тадбирлар ўз ўрнида амалга оширилгани аниқланди.

Телефон орқали олинган хушхабарлардан хурсанд бўлиб, Яккасарой туманидаги «Қушбеги» маҳалласи томон шошилдик. Айни пайтида борган эканмиз, бир гуруҳ фаоллар жанжалли оилани яраштириш масаласи бўйича йўлга отланаётган экан. МФЙ раисининг таъкидлашича, пайшанба — ҳуқуқбузарлик профилактикаси куни деб эълон қилингач, мунтазам ташкил этиб келинаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ўз самарасини бермоқда. Жорий йилда маҳалла ҳудудида жиноятчилик ўтган йилгига нисбатан икки баробар камайган, фақат икки фуқаро енгил жиноят содир этган.

— Президентимиз ташаббуси билан ҳафтанинг пайшанба куни «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни» этиб белгиланганлиги халқимизнинг янада хавфсиз ва осойишта яшашига шароит яратди, — дейди Шайхонтоҳур тумани ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш гуруҳи инспектори, катта лейтенант Ғайрат Абдусамадов. — Олиб борилаётган тезкор чора-тадбирлар натижасида юртимизда содир этилган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар сони кескин камайди.

### ЯНА БИР ГАП

Кузатувларимиз натижасида яна шунга амин бўлдикки, профилактика тадбирлари ўтказилиши олдиндан режалаштирилса-да, МФЙ ходимларининг бир кун олдин, баъзан кечаси хабардор қилиниши ёки ИИБ ходимларининг белгиланган манзилга келмай қолиши ҳолатлари учраб турибди.

